

ТАРЖИМАЛАР ТАҲЛИЛИДА ҚОДИРИЙ “АНДИША”ЛАРИ

Наргиза Турғунпўлатовна ДОСБАЕВА

Филология фанлари номзоди, доцент
Наманган муҳандислик қурилиш институти,
Наманган, Ўзбекистон

«ДЕЛИКАТНОСТЬ» КАДЫРИ В АНАЛИЗЕ ПЕРЕВОДОВ

Наргиза Турғунпўлатовна ДОСБАЕВА

Кандидат филологических наук, доцент
Наманганский инженерно-строительный институт,
Наманган, Узбекистан

KADIRI'S “PRUDENCE” IN TRANSLATION ANALYSIS

Nargiza Turgunpulatovna DOSBAEVA

PhD, associate professor
Namangan Engineering-Construction Institute
Namangan, Uzbekistan nargizad2008@gmail.com

UDC (УЎК, УДК): 81'255

**For citation (иктибос келтириш учун,
для цитирования):**

Досбаева Н.Т. Таржималар таҳлилида Қодирий “андиша”лари//Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2020.— № 4 (33). — Б.186-196.

<https://doi.org/10.36078/1605535433>

Received: April 12, 2020

Accepted: September 25, 2020

Published: November 10, 2020

Copyright © 2020 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация. Сўнгги вақтларда тиллараро ва маданиятлараро мулоқот натижасида вужудга келадиган лисоний ва маданий муқобилсизлик ҳодисаси туфайли бир тил ва маданият эгаси томонидан бошқа бир тил ва маданият тушунчаларини англаш, интерпретация қилиш муаммоси юзага келди. Муайян тил ва маданиятга хос тушунчалар, аксарият ҳолларда, таржима жараёнида мураккаб вазиятларни ҳосил қилади. Бошқа маданият матнида тушунарли бўлмаган ёки ғайриоддий туюлган ҳодисаларни қайта тузиш, бошқача ифодалашни талаб қиладиган сўзлар таржима тилида *лакуна* — “бўшлиқлар”ни ҳосил қилади. Маҳоратли ижодкор Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи таржималарида бу каби бўшлиқлар кўплаб учрайди ва улар ҳозиргача лингвомаданий таҳлилга тортилиб, тегишли илмий хулосалар чиқарилмаганлиги жиҳатидан долзарблик касб этади. Мақолада турлича маъно жилоси ва товланишларига эга, инглиз тили учун ўзбек тили фонидаги лакуна ҳисобланадиган “*андиша*” тушунчаси ва унинг таржима вариантлари лингвомаданий ёндашув асосида кўриб чиқилган. Асарда “андиша” сўзи ва бу лексик бирликдан яратилган ҳосила сўзлар адиб томонидан ўн беш маротаба ишлатилгани аниқланиб, ҳар бир ўринда ушбу тушунча ўзининг алоҳида маъно ва услубий товланишларига эгаллиги қайд этилган. Таржимага бўлган лингвомаданий ёндашувда муаллиф тўлиқ компонент таҳлилни асос қилган ҳолда, таржиманинг аслиятга мувофиқлик даражасини белгилашга ҳаракат қилган. Аслиятда таҳлилга тортилган бирлик семалари аниқлаштирилган, контекстда қўлланилиш вазифасига кўра доминант сема ажратиб олинган ҳамда контекстда лексеманинг маъно вазифаси кўрсатиб ўтилган. Сўнг таржима вариантларида келтирилган муқобилларнинг инглиз лўғатларидаги дефинициялари асосида аслиятдаги бирлик семаларига нисбатан мувофиқлиги ўрнатилган ва бунда доминант сема мазмуни таржимада қай даражада берилишига аҳамият қаратилган. Доминант сема мазмунининг таржимада

тикланиши ва шу баробарида аслиятдаги бирликка контекстда ажратилган мақсаднинг таржимада ҳам амалга ошганлигига кўра таржиманинг аслиятга адекватлик даражаси белгиланган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларларда доминант семаларнинг таржимада тикланиши туфайли ўзбек тили фонида инглиз тилида вужудга келган тасодифий лакуналар муваффақиятли компенсация қилиниши ҳисобига бартараф қилинган ва бунинг ҳисобига таржимада адекватликка эришилган. Олинган натижалар таржимашуносликда “лакуна” терминини кенгроқ изоҳлашда, уни бартараф қилиш жараёнида самарали усулларни қўллашда назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлари: лакуна; лингвомаданий ёндашув; сема; компонент таҳлил; контекст; компенсация; тўлдириш; адекватлик.

Аннотация. В последнее время вследствие лингвистических и культурных различий, возникших в результате межъязыкового и межкультурного общения, проблема понимания и интерпретации понятий одного языка и культуры носителем другого языка и культуры была поднята на более высокую степень актуальности. Понятия, специфичные для конкретного языка и культуры, часто создают сложные ситуации в процессе перевода. Такие слова, которые имеют свои широкие и скрытые значения, образуют лакуны — «пробелы» в языке перевода. Такого рода пробелы часто встречаются в переводах романа Абдуллы Кадыри «Минувшие дни». Однако отсутствует соответствующий лингвокультурологический анализ в научной литературе. В статье исследуется понятие «андиша» с разными смысловыми оттенками как лакуна для английского языка и его варианты перевода в лингвокультурологическом подходе. В работе уточняется, что слово «андиша» и производные слова от этой лексической единицы используются писателем 15 раз, и отмечается, что каждый раз оно имеет свое отличительное словарное и стилистическое значение. В лингвокультурном подходе к переводу автор статьи стремился определить степень соответствия перевода, основываясь на полном компонентном анализе. Фактически, анализируемые единичные семы были идентифицированы, доминирующие семы были определены с помощью задачи, специфичной для контекста, и значения лексемы в контексте было указано. Затем на основе определений в английских словарях альтернатив, представленных в вариантах перевода, была установлена совместимость с исходными единичными семами, с акцентом на то, насколько доминирующее содержание семы было охвачено переводом. Перевод содержания семы доминанты и в то же время степень адекватности перевода оригиналу определялись тем, что цель, поставленная перед единицей в контексте, была выполнена.

Анализ показывает, что в большинстве случаев перевод доминирующих сем был осуществлен успешной компенсацией случайной лакуны в английском языке на фоне узбекского языка, что привело к адекватному переводу. Полученные результаты дают теоретическую основу для более широкой интерпретации термина «лакуна» в переводческих исследованиях и использования эффективных методов его устранения.

Ключевые слова: лакуна; лингвокультурологический подход; сема; компонент анализ; контекст; компенсация; заполнение; адекватность.

Abstract. It is well known that due to linguistic and cultural differences that have arisen as a result of interlingua and intercultural communication, the problem of understanding and interpreting the concepts of one language and culture by a native speaker of another language and culture has been raised to a higher degree of relevance. Concepts specific to a particular language and culture often create complex situations in the translation process. Such words, which have their broad and hidden meanings, form lacunas — “gaps” in the language of translation. These gaps are often found in translations of the novel “The Days Gone By” by Abdullah Kadiri, which are relevant for the degree of lack of linguistic and cultural analysis and proper scientific conclusions. The article investigates the concept “andisha” with different semantic nuances, like a gap for the English language and its translation options from linguistic and cultural viewpoints. It has been revealed that the word “andisha” and its derivatives were used by the writer 15 times, and it is noted that each time it has its own distinctive vocabulary and stylistic meaning. In the linguistic-cultural approach to translation, the author sought to determine the degree of correspondence of the translation based on a full component analysis. In fact, the analyzed singular semes were identified, the dominant semes were determined using the task specific to the context, and the meaning of the token in the context was indicated. Then, based on the definitions in the English dictionaries of alternatives presented in the translation variants, compatibility with the original single semes was established, with an emphasis on how much the dominant content of the seme was covered by the translation. The translation of the dominant seme, and at the same time, the degree of adequacy of the translation to the original was determined by the fact that the goal set for the unit in the context was fulfilled. The analysis shows that in most cases the translation of the dominant seme was made by successfully compensating the gap in the English language at the background of the Uzbek language, which led to an adequate translation. The results obtained provide a theoretical basis for a broader interpretation of the term “gap” in translation studies and the use of effective methods for its elimination.

Keywords: lacuna; linguocultural approach; seme; component analysis; context; compensation; filling; adequacy.

Кириш. Кенг кўламли халқаро алоқалар натижасида тобора авж олаётган илмий-техник жараён, глобализация туфайли маданиятлараро муштараклик ва ҳар бир маданиятнинг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратила бошланди. Маданиятлар тиллардан бисёр, балки шу боис турли маданиятлар сўзлашуви — маданиятлараро мулоқотни ўрганишга эҳтиёж кучайди. Табиийки, бу муаммо турли маданиятлар тўқнашуви билан характерланади ва ўз навбатида айрим мулоқот тўсиқларини юзага келтиради. Ҳозирда лингвистика ва таржимашуносликда методологик парадигманинг ўзгариши, шиддат билан ривожланаётган замон ҳамда глобализация энди таржиманинг нафақат лингвистик масалаларига, балки унинг маданий жиҳатларига ҳам эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Эндиликда таржимага тиллараро ва маданиятлараро мулоқот шакли сифатида қаралди. Албатта, ўз навбатида, тиллараро ёки маданиятлар алоқа натижасида вужудга келадиган тиллараро ёки маданиятлараро муқобилсизлик ҳодисаси оқибатида бир тил ҳамда маданият эгаси томонидан бошқа

миллат маданиятига доир тушунчаларни тушуниш, интерпретация қилиш муаммоси пайдо бўлади.

Лингвوماданият ва лингвوماънавийт тақлид ҳамда эргашиувчанликдан холи бўлиб, мамлакатимизда шаклланиб, дунё тилшунослиги саҳнасига чиқаётган градуал лингвистика, гуркираб ривожланаётган субстанциал-прагматик тилшунослик каби амалий самарадор соҳалардан бирига айланмоғи лозим (8). Ҳар қандай миллат тилшунослиги илмида бундай ҳодисот ва жараёнлар таржима ҳамда таржимашунослик соҳасида яққол кўзга ташланади.

Истеъдодли адиб Абдулла Қодирий асарларида ўзбек тилининг жилосини моҳирона акс эттиргани, бадий сўзга ўта масъулият ва эҳтиёткорлик билан ёндашганлиги боис адибнинг ҳар бир сатрида асрлар оша тилимизнинг нақадар гўзал ва нозик маъноларни ўзида сақлаб келаётганининг гувоҳи бўламиз. Ёзувчининг услуби ҳақида гап кетганда, унинг миллий тилдан маҳорат билан фойдаланганини, асарлари, чиндан ҳам бой, сербўёк, содда бўлиш баробарида ўзига хос мураккаб ва кам ифодада бўлган сўзларни ўзида жамлаганини кўриш мумкин. Адибнинг сара асарларидан бири бўлмиш “Ўткан кунлар” романига бўлган юксак эътибор, нафақат, унинг асосида яратилган театр постановкалари, бадий фильмларда, балки яқин уч йилда амалга оширилган инглиз тилидаги уч хил таржима талқинларида ҳам яққол кўриш мумкин. “Ўткан кунлар” романи 2017 йилда И. М. Тўхтасинов раҳбарлигидаги таржимонлар гуруҳи томонидан “The days gone by” номи остида, 2018 йилда Кэрол Эрмакова томонидан “Days gone by” номи билан ҳамда 2018 йилда Марк Эдвард Риз томонидан “Bygone days” (“O`tkan kunlar”) номи остида инглиз тилига таржима қилиниб, босма нашрда ўқувчилар эътиборига тақдим қилинди. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу таржималар ичида Кэрол Эрмакова томонидан қилинган таржима варианты асарнинг рус тилидаги таржимаси асосида амалга оширилган бўлиб, қолган иккитаси бевосита ўзбек тилидан инглиз тилига ўтирилган. Бундан аёнки, мамлакатимизда таржима соҳасида тағлама тил — рус тили орқали таржима қилиш амалиёти бора-бора ўз долзарблигини йўқотмоқда. Бу, албатта, ўзбек таржима мактабининг кўзга кўринарли ютуқларидан бири ҳисобланади.

Асосий қисм. Юқорида таъкидлаганимиздек, Қодирийнинг тили содда бўлиш билан бир қаторда, кенг қўламли, миллий кўчимларга эга кўп маъноли сўзларга ҳам бойдир. Хусусан, бу сўзлар, миллий ўзига хос хусусиятларга эгалиги туфайли, аксарият ҳолларда, таржимада мураккаб вазиятларнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Лингвокультурологик ва таржима тили билан айтадиган бўлсак, ўзига хос кенг ва яширин маънога эга бундай сўзлар таржима тилида *лакуна* — “бўшлиқлар”ни ҳосил қилади ва бу бўшлиқларни “элиминация” қилиш учун таржимондан етарлича фон билимларга эга бўлиш талаб қилинади. Ўзбек тили фонида инглиз тилида ҳосил бўлган лакуналарни икки усул — тўлдириш ва компенсация орқали бартараф қилиш мумкин. Кези келганда, шунинг алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимизки, кўрсатилган икки самарали усулга таянган ҳолда ҳам лакуна тўлалигича бартараф этилди деб бўлмайди. Кўплаб таржимашунос олимларнинг фикрларига қўшилган ҳолда, таржима аслиятдагидек айнан бўлолмаслигини, аслиятга максимал яқинлашиш катта маҳорат талаб қилишини таъкидлаймиз.

Фикрларимизнинг исботи сифатида асарда қўлланилган “андиша”

сўзини лингвوماданий лисоний таҳлилга тортамыз. Биринчи навбатда шуни айтмоқчимизки, “андиша” сўзи ва бу лексик бирликдан яратилган ҳосила сўзлар “Ўткан кунлар” романида ўн беш мартаба ишлатилган, ҳар бир ўринда ушбу тушунча ўзининг алоҳида маъно ва услубий товланишларига эга. Таржима таҳлилларидан аввал лексик бирликнинг ўзбек тили изоҳли луғатидаги мазмуни билан танишиш мақсадга мувофиқ.

“Андиша” — форсча сўз бўлиб, ўзбекчада фикр, ўйлаш маъносини ифодалайди. У қуйидаги қўшимча, контекстуал маъноларга эга: 1. Кетини, оқибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб юритилган мулоҳаза, эҳтиёткорлик. 2. Умуман фикр, мулоҳаза. 3. Шарм-ҳаё, ор-номус, уят (11, 67).

Қуйида нега бу сўзни айнан ўзбек тили фонида вужудга келганлигини ҳамда инглиз тилидаги лакуна деб қабул қилганимиз ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашамиз.

Таниқли лакунолог олимлардан бири Ю. А. Сорокин тиллараро лакуналарни аниқлаш методини у ёки бу ҳудудий маданиятга тегишли бўлган вербал хатти-ҳаракатдаги инвариант ва вариант атамалари орқали интерпретация қилишни таклиф қилади. Инвариант деганда, тадқиқотчи маълум лингвوماданий муҳитда шаклланиб, хатти-ҳаракатнинг ўзга лингвوماданий вариантга солиштирганда айрим тафовут ва номувофиқликларни келтириб чиқарувчи инсоннинг хатти-ҳаракатлари мажмуини тушунади (10, 122).

Таржимашунослик нуктаи назаридан лакуналарни аниқлаш методи З. Д. Попова ва И.А. Стернинлар томонидан ривожлантирилган. Ушбу метод замирида семантик яқин бўлган лексик бирликларни чоғиштириш орқали ушбу бирликларнинг бошқа тилга муқобил таржимаси бор ёки йўқлигини аниқлаш мақсади ётади. Олимларнинг фикрича, лакуналар, энг аввало, икки тилли луғатларда юзага чиқади ҳамда лексик бирлик (сўз, муқим ибора, фразеологик бирлик)нинг лакунарлик сигнали сифатида икки тилли луғатда сўзнинг батафсил тушунтирувчи дефинициясининг мавжудлиги, таржима луғатида сўзнинг синонимик қатор билан тушунтирилиши, сўзнинг бадий тил сарҳадларидан ташқарида (жаргон, касбий тил, диалект, вульгар лексика) атовининг мавжудлиги билан эътироф этилади (9, 80).

Андиша лексик бирлигининг айрим ўзбек-инглиз луғатларидаги таржималарида: *андиша* — (Persian) *prudence, care, circumspection, foresight, tact, thought; shame, self-respect; андиша қилмоқ* — *think over; to pay respect to; to be bashful; андишаси йўқ* — *shameless person; андишали* — *prudent; respectful, tactful, conscientious; андишалилик* — *prudence, sense, sensitivity, courtesy; андишасиз* — *reckless, heedless, disrespectful, shameless; андишасизлик* — *recklessness, heedlessness, shamelessness, brazenness; андиша (номус, ор)* — *sense, wisdom, shame, wise; андишали (ор-номусли)* — *reasonable, sensible, wise, tactful, mind, intellect; андишалилик* — *wisdom, wise; андишасиз* — *rash, reckless, ill-advised, shameless, strive; андишасизлик* — *impudence, insolence, recklessness* каби ифодаланади. Кўриниб турганидек, таржима луғатида сўзнинг синонимик қатор билан тушунтирилиши категориясига кўра, “андиша” лакунар бирлик ёки ўзбек тили фонида вужудга келган инглиз тилидаги лакуна ҳисобланади.

Сўзнинг контекст ичидаги маъно жило ва товланишларига кўра, таржима қилиш тамойилларига мувофиқ ҳолда, “андиша”

тушунчасининг таржима вариантларида қай даражада аслиятга муқобил таржима қилинганлигини таҳлилга тортамыз:

*Бу ҳолатдан Ҳасаналининг **андишаси** ортиб, бекнинг бунчалик ангрвланишига қандай маъно беришини ҳам билмас эди (12, 22).*

1. This merely increased Khasanali's **anxiety**, for he knew not to how interpret his bek's yonderliness (4, 25).

2. Hasanali's **anxiety** was growing; he did not know how to interpret such bewilderment in Bek (6, 23).

3. His vacant stare only increased Hasan Ali's **anxiety**. Hasan Ali did not understand Otabek's condition (1, 68).

Мисоллардан кўриниб турганидек, учта таржимада ҳам “андиша” “anxiety” лексемаси билан таржима қилинган. “Cambridge advanced learner's dictionary” луғатида “anxiety” куйидаги семаларга эга: 1) an uncomfortable feeling of nervousness or worry about something that is happening or might happen in the future; 2) something that causes a feeling of fear and worry.

Лексеманинг тўлиқ компонент таҳлили асосида таржима муқобиллигини аниқлаймиз. Бунда, “андиша” лексемасининг изоҳли луғатда келтирилган муқим семаларидан ташқари, контекстда қўлланиш мақсадидан келиб чиқиб, доминант семани ҳам кўрсатамиз. Семалар мувофиқлик ҳолатида “+” ишораси билан белгилаймиз.

Лексема	Сема 1 (доминант)	Сема 2	Сема 3	Контекстда лексема вазифаси
Андиша	Кетини, оқибатини ўйлаб ёки юз- хотир қилиб юритилган мулоҳаза	Умуман фикр, мулоҳаза	Шарм-хаё, ор-номусга амал ҳисси	Ҳавотирланиш, асабийлашиш
Anxiety	+	+	—	

Таҳлил натижасидан маълумки, “anxiety” аслиятдаги бирликнинг доминант семасини ўзида акс эттира олган ва бу ҳолатда таржима тилидаги лакуна компенсация усули орқали бартараф қилинмоқда. Кейинги ўринларда, таржимадаги лексемаларнинг луғатдаги дефиницияларини алоҳида келтирмай, аслиятга муқобиллик даражасини жадвалларда кўрсатамиз.

*Отабекдаги бу ҳолатни бирор ҳафталардан бери пайқаса ҳам ҳозиргидек **андишага** тушмаган ва бунчалик диққат этмаган эди (12, 22).*

1. Khasanali had noticed a change in Atabek some ten days ago, but now his **concern** knew no bounds (4, 25).

2. ... he **had** never **been** so **sad**, and he didn't pay attention to this (6, 23).

3. Even if a faint awareness of Otabek's mood swings had flickered at the edges of his consciousness, until now, he **had not realized the severity** of his present melancholy (12, 68).

Лексема	Сема 1 (доминант)	Сема 2	Сема 3	Контекстда лексема вазифаси
Андиша	Кетини, окибатини ўйлаб ёки юз- хотир қилиб юритилган мулоҳаза	Умуман фикр, мулоҳаза	Шарм- хаё, ор- номусга амал ҳисси	Ҳавотирга тушиш, хайрон бўлиш
1. <i>concern</i>	+	+	-	
2. <i>to be sad</i>	-	+	-	
3. <i>to realize the severity of some situation.</i>	+	+	-	

Бизнингча, лақунанинг муваффақиятли компенсация қилиниш даражасига кўра, биринчи ва учинчи таржима вариантларида муқобиллик даражаси юқори.

3-мисол:

...Сиз қизимизнинг **андишасини қилиб** ўлтурмангиз, бек... (12, 149).

1. **Do not concern yourself** with our daughter, bek... (4, 140)

2. **Don't think** of her (6, 146).

3. **Do not concern yourself** with what our daughter thinks, Bek (1, 248).

Лексема	Сема 1 (доминант)	Сема 2	Сема 3	Контекстда лексема вазифаси
Андиша	Кетини, окибатини ўйлаб ёки юз- хотир қилиб юритилган мулоҳаза	Умуман фикр, мулоҳаза	Шарм-хаё, ор-номусга амал ҳисси	Уялиш, ҳижолат қилиш, юз- хотир қилиш
1. <i>to concern with</i>	+	+	-	
2. <i>to think of</i>	-	+	-	
3. <i>to concern with</i>	+	+	-	

Ушбу мисолда ҳам, биринчи ва учинчи талқинларда доминант семанинг таржимада мазмуни қопланганлигининг ҳисобига, лақуна тўғри элиминация қилинган, деб ҳисоблаймиз.

— Сўзингиз ерда қоладир, бун Офтоб, бир оз **андиша** ҳам лозим, — деди (12, 347).

1. I cannot understand your request, Oftobayim. Please, **be reasonable** (2, 316).

2. I can't comply with your request, Oftob-oyim, you should have **wisdom** (6, 349).

3. Your supplications fall on deaf ears, Oftob Oyim. You should **be** a little **embarrassed** of your request (12, 533).

Лексема	Сема 1	Сема 2	Сема 3 (доминант)	Контекстда лексеманинг вазифаси
Андиша	Кетини, окибатини ўйлаб ёки юз- хотир қилиб юритилган мулоҳаза.	Умуман фикр, мулоҳаза.	Шарм-ҳаё, ор-номусга амал ҳисси.	Уят, ҳижолат
1. to be reasonable	+	+	-	
2. wisdom	+	+	-	
3. to be embarrassed	-	-	+	

Мисоллар таҳлилидан аён бўладики, лексеманинг контекстдаги вазифасига кўра маъноси тўлиқ компенсация қилинган вариант учинчисидир.

Нормуҳаммад борасида қандоғ фармон бергайлар, бул маънида ҳам ишоратини дариг тутмасалар қулладини андишадан озод қилган бўлгайлар (12, 280).

1. As for our current ruler of Tashkent, the Kipchak Nar Mohammad, your word would untie our hands and liberate us from **unnecessary deliberations and doubts** (4, 257).

2. Your word would unleash our hands and would have saved us from **unnecessary thoughts and doubts** with regard to the current ruler of Tashkent — quipchak Narmuhammad (6, 277).

3. If it pleases your Highness, please inform us of your private thoughts concerning the Qipchaq Nur Muhammad, who now holds the position of Bek of Tashkent. If you so order we will eagerly rid ourselves of **this issue that so confounds our doubts** (12, 431).

Лексема	Сема 1	Сема 2 (доминант)	Сема 3	Контекстда лексеманинг вазифаси
Андиша	Кетини, окибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб юритилган мулоҳаза.	Умуман фикр, мулоҳаза.	Шарм-ҳаё, ор-номусга амал ҳисси.	ўй-фикр, иккиланиш
1) unnecessary deliberations and doubts	+	+	-	
2) unnecessary thoughts and doubts	-	+	-	
3) this issue that so confounds our doubts	-	+	-	

Юқоридаги мисолда таржиманинг уч вариантыда ҳам лакуна муваффақиятли компенсация қилинган.

Уларнинг **андишасини** билган Хушрўй бошида бунга қарши бир нарса демайди (5, 355).

1. Although **she caught a whiff of what was afoot**, Hushroi held her tongue (4, 323).

2. Relying on their wisdom , at first Hushroi didn't say anything... (6, 358). Лексема	Сема 1	Сема 2	Сема 3 (доминант)	Контекстда лексема вазифаси
Андиша	Кетини, оқибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб юритилган мулоҳаза.	Умуман фикр, мулоҳаза.	Шарм-ҳаё, ор-номусга амал ҳисси.	Уялмоқ
1) <i>he does not wish to upset</i>	+	-	-	
2) <i>to feel uncomfortable</i>	-	-	+	
3) <i>a feeling of shame</i>	-	-	+	

3. Khushroi Bibi grasped their **ambitions**, initially making no protest of their designs (12, 545).

Лексема	Сема 1	Сема 2 (доминант)	Сема 3	Контекстда лексема вазифаси
Андиша	Кетини, оқибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб юритилган мулоҳаза	Умуман фикр, мулоҳаза	Шарм-ҳаё, ор-номусга амал ҳисси	ўй-фикр
1) <i>she caught a whiff of what was afoot</i>	-	+	-	
2) <i>wisdom</i>	+	-	-	
3) <i>ambitions</i>	-	-	-	

... айниқса бу гал қайин ота, қайин оналаридан **андиша** қилибди (12, 162)

1. ... *he does not wish to upset his parents-in-law*... (4, 153).

2. ... *he feels uncomfortable before father-in-law and mother-in-law*... (6, 160).

3. *Your son's anxiousness to go to Margilan is due... to a feeling of shame towards his in-laws* (1, 270).

Хулоса. Таржимада ҳар қандай сўзни шунчаки юзаки маъноси билан ўтирилмай, тегишли контекстдаги вазифасига кўра таржима қилиш, бундан ташқари, тушунчани лингвомаданий жиҳатдан чуқурроқ таҳлил этиш мақсадга мувофиқ. Юқорида Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида ўзининг ранг-баранг маъно жилоси ва товланишларига эга, инглиз тили учун лакуна ҳисобланадиган **“андиша”** тушунчаси ва унинг таржима вариантларини лингвомаданий ёндашув асосида кўриб чиқдик. Ушбу ёндашувда тўлиқ компонент таҳлилни асос қилган ҳолда, таржиманинг аслиятга мувофиқлик даражасини белгилашга ҳаракат қилдик. Таҳлил куйидаги усулда олиб борилди:

1. Аслиятда таҳлилга тортилган бирлик семалари аниқлаштирилди, контекстда қўлланилиш вазифасига кўра доминант сема ажратиб олинди ҳамда контекстда лексеманинг маъно вазифаси кўрсатиб ўтилди.

2. Таржима вариантларида келтирилган муқобилларнинг “Cambridge advanced learner’s dictionary”, “Longman dictionary of contemporary English” сингари луғатлардаги дефиницияларидан келиб чиқиб, аслиятдаги бирлик семаларига нисбатан мувофиқлиги ўрнатилди ва бунда доминант сема мазмуни таржимада қай даражада қопланганига асосий эътибор қаратилди.

3. Доминант сема мазмунининг таржимада тикланиши ва шунинг баробарида аслиятдаги бирликка контекстда ажратилган мақсаднинг таржимада ҳам амалга ошганлигига кўра таржиманинг аслиятга адекватлик даражаси белгиланди.

Натижалар шуни кўрсатадики, аксарият ҳолатларда доминант семаларнинг таржимада тикланиши туфайли ўзбек тили фонида инглиз тилида вужудга келган тасодифий лакуналар муваффақиятли компенсация қилиниши ҳисобига бартараф қилинган ва бунинг ҳисобига таржимада адекватликка эришилган.

Хулоса қилиш мумкинки, лингвистик характердаги лисон, меъёр, нутқнинг яхлитлиги ва алоҳидалиги ҳақидаги таълимот мазкур категорияга мулоқот, муносабат ва фаолият системаси кўзгусида қараб, бу системанинг шаклланишида лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлигини ўрганишда назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Таржималарда лингвомаданий ва лингвомаънавий тамойилларининг тадқиқотлари таълим ва тарбия учун хизмат қилувчи, аниқ самарани кўзлаб ишлайдиган яхлит тизимнинг лингвомаънавий базасини шакллантиради. Шахс маънавияти билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш келажак яратувчилари бўлган юксак маънавийли ёш авлодни вояга етказишнинг илмий ва амалий асосларини вужудга келтиради. Аслида инсоншунослик фани бўлган лингвистика шахс тарбиясига ўзининг муносиб, зотий ва табиий ҳиссасини қўшади. Тилшуносликнинг “тадқиқотлар тадқиқотлар учун” тамойили асосида иш кўриши шахс маънавияти ривожига, ёш авлоднинг маънан баркамолликка эришувида кўмаклашади ҳамда дахлдор соҳалар оқимида етакчи ўринга кўтарилишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. *Bygone days* (O'tkan kunlar): Nashville TN, Copyright: 2018. — 661 p.
2. Butayev Sh., Irisqulov A. *Inglizcha-o'zbekcha va o'zbekcha-inglizcha lug'at*. — Toshkent: Fan, 2009. — 847 b.
3. Davronov T., William D. *O'zbekcha-inglizcha lug'at*. — Tashkent: The Central Asian Heritage Group, 2005. — 381 p.
4. *Days gone by*: Nouveau Monde editions, 2018. English 3rd edition. — 349 p.
5. Longman dictionary of contemporary English: Pearson education: 2014. — 2224 p.
6. *The days gone by*: Mashhur-Press, 2017. — 380 p.
7. *The Cambridge Advanced Learner's Dictionary*: Cambridge University press: 2008. — 1814 p.
8. Менглиев Б. Тараққиёт ва маънавият // “Маърифат” газетаси, 2018 йил, январь.
9. Попова З. Д., Стернин И.А. Когнитивная лингвистика. — М.: АСТ: Восток-Запад, 2010. — 314 с.
10. Сорокин Ю.А. Метод установления лакун как один из способов выявления специфики локульных культур (художественная литература в культурологическом аспекте) // Национально-культурная специфика речевого поведения. АН СССР, ин-т языкознания. — М.: Наука, 1977. — С. 120–136.
11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. — Москва: Рус тили нашриёти, 1981. — 632 б.
12. Қодирий А.Ўткан кунлар; Мехробдан чаён: Романлар. — Тошкент: Гофур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. — 656 б.

References

1. *Bygone days*, Nashville TN, Copyright: 2018, 661 p.
2. Butayev Sh., Irisqulov A., *Inglizcha-o'zbekcha va o'zbekcha-inglizcha lug'at* (English-Uzbek and English-English Dictionary), Tashkent: Science, 2009, 847 p.
3. Davronov T., William D. *O'zbekcha-inglizcha lug'at* (Uzbek-English Dictionary) Tashkent: The Central Asian Heritage Group, 2005, 381 p.
4. *Days gone by*: Nouveau Monde editions, 2018. English 3rd edition, 349 p.
5. Longman dictionary of contemporary English: Pearson education: 2014, 2224 p.
6. *The days gone by*: Mashhur-Press, 2017, 380 p.
7. *The Cambridge Advanced Learner's Dictionary*: Cambridge University press: 2008, 1814 p.
8. Mengliev B., *Ma'rifat* gazetasi, 2018 yil, yanvar'.
9. Popova Z. D., Stermin I.A., *Kognitivnaya lingvistika* (Cognitive Linguistics), Moscow: AST: East-West, 2010. – 314 p.
10. Sorokin Yu.A., *Natsional'no-kul'turnaya spetsifika rechevogo povedeniya. AN SSSR, in-t yazykoznaniiya* (National and Cultural Specifics of Speech Behavior, USSR Academy of Sciences, Institute of linguistics), Moscow: Nauka, 1977, pp. 120–136.
11. *Uzbek tilining izohli lugati* (Explanatory Dictionary of the Uzbek Language), Moscow: Russian language publishing house, 1981, 632 p.
12. Qodirii A. *Utkan kunlar; Mehrobdan chaen: Romanlar* (Past days; Scorpion from the Sanctuary), Novels, Tashkent: Publishing house of literature and art named after Gafur Gulom, 1994, 656 p.